«Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар» – «Мустақил Ўзбекистон замондошларимиз сиймосида» танловига

# Ватанпарварлик — олий туйғу

## Уни муносиб тарғиб этиш эса — бурч

Халқимиз маънавиятининг ўзак-ўзагини ташкил этган эътиқодий-ахлоқий ва ватанпарварлик туйғулари кўп асрлар мобайнида вужудга келган ва шаклланган. Шунинг учун ҳам халқимиз узоқ даврлар мобайнида турли ғоявий истибдод зулмларини бошдан кечирганига қарамай тарихий, маданий қадриятлар, ўзига хос анъаналар боқийлигини сақлаб қолди. Ватанимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ авлодлардан авлодларга асраб-авайлаб ўтиб келаётган тарихий ва маданий қадриятларни тиклаш, ҳаётга қайтариш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимиз раҳбари тарихий хотира туйғусининг халқимизнинг миллий онги ва ғурури тикланишидаги аҳамиятни алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Мамлакатимизнинг тараққиёти жараёнида тарих миллатнинг чинакам тарбиячиси, мураббийсига айланиб бормоқда. Кўҳна мозий тарихий хотирани уйғотиш билан бир вақтда янги фуқаровий тафаккурни шакллантирибгина қолмай, ахлоқий, ватанпарварлик туйғуларини тарбияловчи муҳим омилга ҳам айланмоқда.

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини фуқароларда, хусусан, навқирон авлод вакиллари онгида маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик туйғуларини, айниқса, фуқаролик, демократик қадриятлар, олис тарихга ҳурмат, маданият, ижтимоий адолат, жамоавийлик ва бошқа умуминсоний қадриятларни шакллантиришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қолаверса, буларнинг барини нафақат жамиятимиздаги, балки ижтимоий иқтисодий, геосиёсий, ҳарбий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, информацион-ғоявий сингари бошқа кўплаб омиллардан алоҳида ажратиб қараш ҳам мумкин эмас.**

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида 90-йилларнинг бошларида юз берган турғунлик кезларида фуқароларни маънавий-ахлоқий ва ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида бирмунча сусткашликка йўл қўйилгани йиллар ўтгани сайин теранроқ сезилмоқда. Бу ҳолат оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам яққол кузатилди. Шу соҳада илгари амал қилган тизим издан чиқди. Бундай ҳолат Ҳамдўстлик давлатларининг барчасида юз берди. Мисол учун, россиялик социологларнинг ҳисоб-китобига кўра, маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик сингари боқий қадриятларга муносабат кескин ёмонлашган, яъни фуқароларда худбинлик, ижтимоий воқеликка, эзгу туйғуларга зид қарашлар устунликка эга бўлган. Она ватанга, она заминга садоқат туйғуси хўжакўрсинга айланган. Маънавий бўшлиқ, моддий бойликка ўчлик, худбинлик, манфаатпарастлик кишиларни инсоний яшашнинг асл маъносини излашдан чалғитибгина қолмай, уларни пала-партиш манфаатбозлик, шоҳона кун кечириш, сохта маданият, шаҳвоний майлларга берилиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, жиноятчилик ва бошқа салбий ҳолатлардан завқ олишга мубтало этмоқда.

Афсуски, республикамизда шунга ўхшаш социологик тадқиқотлар ўтказиш қониқарли йўлга қўйилмаган. Жамоатчилик фикрини ўрганувчи «Ижтимоий фикр» миллий марказининг фаолиятини инкор этмаган ҳолда айтиш керакки, жамиятимизнинг турли бўғинларида кечаётган аҳволни билишга қаратилган социологик кузатиш ишларига баъзан етарли даражада моддий имконият топилмаса, баъзан бундай тадқиқотлар давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан етарли даражада қадрланмаяпти.

Мавжуд ҳолатдан ва мамлакатимиз ахборот майдонида Россия Федерацияси ОАВ (ТВ, интернет, босма нашрлар, аудио ва видео маҳсулотлар ва ҳоказо) етакчи ўринни эгаллаганидан келиб чиқилса, Россияда кузатилаётган — юқорида таъкидланган ҳолатлар бизнинг жамиятимизга хатарли хасталик сингари «юқиши» ҳеч гап эмас. «Дераза», «Эҳтирослар салтанати» сингари телекўрсатувларда ўтакетган ахлоқсизлик ва залолатнинг эмин-эркин намойиш этилаётганига асло бефарқ қараб бўлмайди.

Баён этилган мулоҳазалардан кўринадики, ахборот майдонидаги Ўзбекистон манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек, ахборот соҳасидаги хавф-хатарга қарши зарба бериш учун ҳам ушбу йўналишда жиддий ишлар олиб борилмоғи лозим. Мамлакатимиз ахборот майдонида тарқалаётган ва унга таъсир кўрсатаётган ташқи ахборот хуружи аҳолининг маънавий-руҳий ҳолатига таъсир кўрсатибгина қолмай, ўтиш даври қийинчиликлари шароитида жамиятни беқарорлаштиришга ҳам олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Хорижий давлатларда шундай ОАВ ҳам борки, улар муайян сиёсий мақсадлар воситаси бўлибгина қолмай, катта молиявий даромадлар илинжида ёшларнинг маънавий-ватанпарварлик туйғуларини ўтмаслаштиришга қаратилган чиқишларга зўр беришдан ҳам тап тортмайдилар. Зўравонлик, фаҳш ҳамда ўтакетган манфаатпарастлик туйғуларининг навқирон авлод вакиллари онгига тез таъсир кўрсатиши эса ҳеч кимга сир эмас.

Кези келганда, Ўзбекистон ОАВ юксак тараққий этган чет эл, жумладан, Россия ОАВга нисбатан бир мунча заифлигини тан олмай иложимиз йўқ. Хусусан, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларини, аҳолини қизиқтирган долзарб мавзуларни, танқидий-таҳлилий мулоҳазаларни, шулар билан бирга, ҳокимият ва бошқарув тизими қабул қилаётган қарорларни холис ёритиш борасида бу заифлик яққол кўзга ташланади. Ваҳоланки, жамият аъзоларида маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда, миллий ғояни шакллантириш ва уни кенг омма онгига сингдириш борасида оммавий ахборот воситалари бемисл аҳамиятга эга. Бунинг кучи ва салоҳияти ОАВ чиқишларининг тезкорлиги, юқори савияси, холислиги ва кенг аудиториянинг мавжудлиги билан ўлчанади. Агар санаб ўтилган ушбу омиллар бизда энди-энди изга тушаётгани инобатга олинса, умумий аҳвол — вазият ойдинлашади-қўяди. Назаримда, аксарият журналистларимиз муаммоларни танқидий назардан ёритиб бериш, салбий ҳолатлар сабаблари ҳақида кишиларни мулоҳаза юритишга ундаш маҳоратига эга эмаслар. Жиддий муаммоли мақолалар, ишни ташкил этишдаги камчиликлар, мансабдор шахслар томонидан қонун бузилишлари, суиистеъмолчилик ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилувчи телерадио чиқишлари фақат давлатимиз раҳбарининг танқидларидан сўнггина эфир юзини кўриши одат тусини олди. Шунинг сингари чиқишлар ўз вақтида бўлсагина ОАВнинг таъсирчанлиги бирмунча ортган бўлур эди.



Республика телевидениеси орқали намойиш этилаётган айрим аудио-видео маҳсулотлар, рекламалар халқимиз маданияти ва анъаналарига мутлақо тўғри келмайди. «Қонли спорт», «Полициячи-робот», «Қотилнинг мактуби», «Терминатор», «Ов мавсуми», «Қотиллик инстинкти» сингари ажнабий бадиий фильмларда озмунча зўравонлик, қотиллик кўз-кўз қилинаяптими?! Уларни «мижжа» қоқмай томоша қилаётган ёшларимиз онгида қандай жараёнлар кечаётганини ким таҳлил қиладию, ундан ким тўғри хулоса ясаб, тўғри чора топади?!

«Ўсиб келаётган авлоднинг онгини заҳарлашнинг йўли ўз халқи ўтмишини унутишга йўл очиш, бегона қарашларга одатлантириш» деган нақлнома гап ёдга тушади...

Хўш, қандай чора кўриш керак?

Бундай саволга жиддий жавоблар топиш фурсати етди. Назаримда, мамлакатимиз ОАВда энг долзарб мавзуларда юқори савияда ва бениҳоя холислик билан ёзилган ранг-баранг, оммабоп чиқишларни кўпайтириш билангина хорижий ахборот воситаларининг зарарли ахборотларига тўғаноқ бўлиш мумкин. Жамоатчиликнинг кенг қатламига таъсир кўрсатиб, уларнинг диққат-эътиборини жалб эта оладиган ОАВни кўпайтириш лозим. Мисол тариқасида эсласак, февраль воқеаларининг зудлик билан телеэкран орқали кўрсатилгани ва унинг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани жамоатчилик фикрини шакллантиришга, аҳолининг фуқаролик фаоллиги сезиларли ошишига туртки берди. ОАВмизнинг айни пайтдаги иш услуби билан дунё ва минтақа ахборот майдонида рақобатга чиқиш қийин кечади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ОАВни ислоҳ этиш, уни эркинлаштириш билан бирга, уни дунё ахборот майдонида рақобатбардошлилигини ошириш ҳақида ҳам қайғурмоғимиз зарур.

Бу борада, айниқса сиёсатшунос-журналист кадрларни тайёрлаш масаласини давлат миқёсида кўриб чиқиш лозим, деб ўйлайман. Муаммони бир неча йилда бартараф этиш қийинлигидан келиб чиқилса, ҳозирча мавжуд ОАВнинг республикамиздаги ахборот-таҳлил марказлари билан ҳамкорлигини жонлантиришни ўйлаб кўриш керак. Мисол учун айтсак, Германияда ўқишни тугатган барча ёш журналист кадрлар таҳлил марказларида малака ошириб, тизимли таҳлил услубларини ўзлаштирадилар.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги босма нашрларни сира камситмаган ҳолда теле-радио етакчи ахборот воситаси эканини ҳаммага аён. Дунё мамлакатларида ҳам худди шундай ҳолат. Тўрт умумдавлат телекомпания ва беш радиостанция фаолияти «Ўзтелерадио» компанияси томонидан мувофиқлаштирилади. Улардан ташқари қирққа яқин хусусий-нодавлат телерадиокомпаниялар вилоят ва туман миқёсида фаолият юритмоқда. Уларнинг орасида Самарқанддаги «STV» мустақил компания етакчилик қилмоқда. Умуммамлакат миқёсидаги хусусий теле-радио узатиш тармоғи йўқ. Давлат телерадиокомпаниясига қарашли тўрттала канал кўрсатувлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг савияси нисбатан қониқарсиз аҳволда. Кўрсатувларни томоша қилиб ўтириб, баъзан телерадио тизимидаги журналистлар ижоднинг замонавий услуб ва шаклларини ўзлаштирмаганлари туфайли кўрсатувларимиз халқаро талабларга жавоб бермаса керак, деган хаёлга борасан киши. Чунончи, Россия телекўрсатув ва радио эшиттиришларидан фарқли ўлароқ, бизда жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро мавзуларга бағишланган таҳлилий кўрсатувлар, баҳс-мунозаралар анчагина оз. Борлари ҳам, энг аввало, таъсирчанлик борасида анчагина заиф.

Аҳолини маънавий-тарбиявий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мамлакат тарихи, унинг маданияти, давлатчилиги, қуролли кучлари тўғрисида ҳикоя қилувчи махсус саралаган илмий-маърифий, ҳужжатли-бадиий, кино-видеофильмлар кенг омма, биринчи навбатда ёшларга мўлжаллаб кўрсатилиши катта самара келтириши тажрибадан ўтган. Бизнинг телеканалларни эса шу нуқтаи назардан талабга жавоб бермайдиган кўнгилочар кўрсатувлар, хорижий сериаллар тўлдирган. Тўғри, киносериаллар жаҳон халқлари тарихи маданияти, турмуш тарзи, анъаналарини ўрганиш маъносида томошабинларимизга нимадир беради, буни буткул инкор этиш адолатдан бўлмас. Бироқ улар бизнинг ватан ва халқимиз анъаналари, урф-одатлари, қадриятларига ҳурмат туйғусини оширишга кўпда хизмат қилмайди. Эҳтимол, шу боис ҳам, аҳоли ўртасида, хусусан, ёшларимиз орасида миллий телевидение кўрсатувларининг нуфузи — рейтинги Россия ва хориж телекўрсатувларига нисбатан анчагина паст.

Мавжуд хусусий FM радиостанциялар асосан Тошкент, Самарқанд ва Фарғона водийси ҳудудини қамраб олган бўлиб, улар бир-биридан жуда кам фарқланади, мундарижаси эса асосан мусиқавий-кўнгилочар йўналишдан нарига ўтмайди.

Республика ОАВдаги ижодий, ҳуқуқий, экология, диний, адабий мавзудаги чиқишларга нисбатан олганда ҳам, биз сўз юритаётган мавзунинг ёритилиши бирмунча ночор дейиш мумкин. Фикримизча, ёш авлодни ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашни янада яхшилаш ишига ОАВ сафарбарлигини кучайтириш мақсадида қуйидаги қўшимча шарт-шароитлар яратилмоғи керак:

давлат ва бошқарув идоралари, вазирликлар ва маҳкамалар, жамоат ташкилотлари билан ОАВни янада яқиндан ва изчил ҳамкорлик ўрнатиши масаласи давлат миқёсларида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ;

шахс, жамият ва давлат ахборот хавфсизлиги муаммоси мавжудлигидан келиб чиқиб, республика ахборот майдонида юзага келадиган салбий ҳолатларга қарши кураш олиб борувчи мувофиқлаштирувчи муассаса ташкил этилиши давр талабига айланмоқда;

тарих нуқтаи назаридан олганда, ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йили катта муддат эмас, албатта. Бу қисқа муддатда давлат ва жамият олдидаги барча муаммоларни бартараф этиш учун мустақилликнинг ўн бир йили жуда қисқа фурсат ҳисобланади. Шунга қарамай, аҳолини ватанпарварлик ва юртга садоқат руҳида тарбиялаш борасида талай ишлар қилинмоқда. Аҳолини ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашга доир тадбирлар ҳозирги кунда мамлакатимиз ахборот майдонида юзага келаётган ғоявий ахборотлар хавф-хатарига қарши курашиш юзасидан ҳам янгича мазмун-моҳият ташкил этмоқда.

**ОАВ ҳаётга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Давлат ва жамият қурилишини, бозор муносабатларини шакллантиришни ва демократик тамойиллар устиворлигига эришишни эндиликда ОАВсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мана шундай пайтда бизнинг ОАВ бу қадар жиддий талабларга жавоб бераяптими, деган савол туғилади. ОАВнинг чинакам «тўртинчи ҳокимият»га айланиши нима сабабдан орқага сурилиб кетмоқда?**

Бу каби саволларга жавоб излаганда, эски тушунчалар исканжасидан қутулиш жараёни ўта машаққатлар эвазига кечаётгани, дунёқарашлар кураши, масъул шахсларнинг ўринсиз аралашувларини айтишга тўғри келади. Малакали профессионал сиёсатшунос журналист кадрлар тақчиллиги сезилади. ОАВни тубдан янгилашнинг моддий имкониятлари етишмаслиги кўзга ташланади. Давлат сиёсатининг устувор йўналишларига тааллуқли мавзуларнинг на телерадио, на вақтли босма нашрларда юқори савияларда ёритилмаётганининг сабаблари шундан ҳам келиб чиқади. Албатта, газета чиқишларида, жумладан, радио ва телевидениеда берилаётган турфа эшиттириш ва кўрсатувларда ватанпарварлик ғоясидек ғоятда муҳим ва боқий қадриятларни тараннум эттишнинг хилма-хил шакллари изланилмоқда, бу борада муайян ютуқлар ҳам йўқ эмас, лекин бу каби мавзуда янада таъсирчан, керак бўлса, каттаю-кичикнинг оғзига тушадиган, кенг оммалашган мақолалар кўпайса, эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрланса, деган умид умидлигича қолмаса, деймиз.

Мавжуд шарт-шароит ва вазиятдан келиб чиқилса, давр ахборот соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Барча ОАВ фаолиятини давлат нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ахборот тарқатиш имкониятларини кенгайтириш лозим. Давлат ва жамият тараққиёти манфаатларига дахлдор барча масалаларда малакали фикрлай оладиган, таҳлилий қобилиятга эга профессионал кадрлар етиштириш дастурига зарурият сезилмоқда.

Ўзбекистон ва унинг ташқи сиёсати ҳақидаги тўғри ва холис ахборот берувчи, турли ғаразли ахборотларга вақтида ва жойида жавоб берувчи журналистларнинг хорижий мамлакатларда фаолият юритиши учун давлат ёрдами ниҳоятда зарур.

Шулар билан бирга, ОАВ ва журналистлар ҳуқуқини мустаҳкамловчи қонуний ҳужжатларнинг аҳамияти катта. Нодавлат нашрлар ва теле-радио каналларнинг кўпайиши ҳаётий заруриятга айланмоқда.

Республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг янгилана бораётгани ОАВ олдига ҳозирга қадар нотаниш бўлган янги-янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Ватанга, юртга, она заминга ҳурмат, муҳаббат руҳини тарбиялаш борасидаги ахборот таъминотига шу маънода жиддий эътибор талаб қилинмоқда.

Давлат, жамият ва шахс манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда фуқаролик, ватанпарварлик туйғуларини қарор топтириш; аҳоли барча қатламлари вакиллари онгига ватанпарварлик ғояларини сингдирувчи энг илғор ғояларни тарғиб этишда мавжуд тажрибалардан фойдаланиш, биринчи навбатда, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот ва матбуот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа давлат муассасалари кўмакчи сифатида сафарбар этилмоғи мақсадга мувофиқдир.

Ахборот глобаллашуви даврида ва ғоявий бузғунчилик оқимлари авж олган, хориж ахбороти маҳаллий ахборот майдонида етакчилик қилаётган бир пайтда қатор тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш лозим. Чунончи:

аҳолини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган нашрларни, илмий-назарий, услубий ва ахборот манбаларини мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етказиб бериш;

кенг оммага, хусусан, ёшларга қаратилган кино-видеофильмларни, радиоэшиттиришларни тарқатиш бўйича узоқ вақтли дастурлар ишлаб чиқиш;

ватанпарварлик мавзусида махсус телекўрсатувлар уюштириш;

Ватанимиз тарихидан ҳикоя қилувчи, тарихий воқеаларни бевосита учрашувларда ҳикоя қилиб берувчи таниқли фан, маданият ва жамоат арбобларининг чиқишларини ташкил этиш;

Ватан манфаати йўлида жонини, ўзини фидо этишга шай турган образлар яратилган бадиий-ҳужжатли, саргузашт, детектив, илмий-фантастик фильмлар намойишини йўлга қўйиш.

Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузада Президент И.Каримов устувор йўналишлардан энг муҳими сифатида ОАВни демократиялаштириш вазифаси эканини алоҳида таъкидлади. Ахборот майдонида мулкий шаклидан қатъи назар, адолатли ва тенг рақобат кечиши зарурлигини айтди. Шунингдек, «Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида», «Телерадио тўғрисида»ги қонунлар яратиш пайти келгани таклиф қилинди.

Шулардан ҳам кўринадики, мустақиллик ғояларини тарғиб этиш, ватанпарварлик ғояларини оммалаштириш ўткинчи вазифа ёки мақсад эмас. Шахс, жамият ва давлат мақсад ва вазифаларини чуқур англаб етадиган ватанпарвар фуқарони тарбиялаб етиштириш энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланадики, келажаги буюк давлат барпо этишни бусиз тасаввур қилиб бўлмайди.

**Жамолиддин ҲАКИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабининг тингловчиси.**

# Қонунларни пухта биламизми?

Ўтган ўн йиллик муддат ичида турмуш тарзимиз тубдан ўзгарди, миллий урф-одатлар ва анъаналаримиз ривожига кенг йўл очилди, аждодларимизнинг бой маънавий мероси чуқур ўрганилмоқда. Демакки, мустақиллигимиз янада мустаҳкам қарор топмоқда, биз унинг мазмун-моҳиятини тобора теранроқ англаб етаяпмиз. Жамият ҳаёти буткул янгиланаётган ҳозирги шароитда кишиларимиз онгига шу давр руҳини сингдириш, омма орасида қотиб қолган фикр ва тушунчаларга барҳам бериш, ижтимоий онгни юксак даражага кўтариш ҳамда ёшларимиз қалбида миллий ғурур туйғуларини кучайтириш сингари муҳим вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс экани маълум. Бугунги журналист олдида ғоят масъулиятли бир довон тургандек. У ҳам бўлса, матбуот тараққиётида қонунлар устуворлигини таъминлашдир. Гарчи, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш йўлидан бораётган эканмиз, бу нарса биз учун жуда зарур бўлади.

Умуман, эркинликнинг ўзи нима? Бизнингча, у фикрни очиқ-ойдин баён этишнинг ўзигина эмас, балки ҳар бир кишининг ўз ҳаёти, тақдирини жамиятнинг ички тартиблари ва ундаги қонунларга таянган ҳолда қайта қуришидир. Биз қонунларимизни чуқур билганимиздагина ҳеч ҳадиксирамай илгарилаймиз, таҳликаларсиз турмуш кечирамиз, ҳар қадамимиз ишончли ва умидли кечади.

Телеэкранда тез-тез намойиш этиб туриладиган бир мультсериал бор. Унинг қаҳрамони – Айиқ милтиқ билан овга чиқади. Ва «Қуёш ботгандан сўнг ўрдак овлаш тақиқланади», деган сўзларни ўқиши биланоқ қуролини пастга туширади. Хорижликлар томонидан ишланган бу мультсериал ўз мазмунига кўра, ҳар бир қонун-қоидага амал қилиш зарурлигини болакайларга уқтираяпти. Айтайлик, чет элдаги бирор қаҳвахонада алламаҳалгача қолиб кетган ширакайф киши шу жой хизматчисининг «Иш тартибимизга кўра қаҳвахона соат 12 гача ишлайди!» деган сўзларини эшитгач, ҳушёр тортиб тезда ўрнидан туради ва уйига равона бўлади. Жамиятдаги қонун-қоидаларга сўзсиз бўйсуниш хорижликлар турмуш тарзига тўла сингиб кетган. Демоқчимизки, қонунларимиз амалиёти билан боғлиқ жиҳатларни матбуотда акс эттириб, жамоатчилик фикрини қўзғаш орқалигина шу қонунларни турмуш тарзимизга киритиб боришимиз лозим бўлади. Биз бунга эришаяпмизми? Қисман эришаяпмиз, албатта. Матбуот нашрларининг айримлари ўз саҳифаларида қонунларимиз ва ҳукумат қарорларига жойларда қандай амал қилинаётганлигини чуқур таҳлил этиб, бу борада юз бераётган жиддий камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқаётгани маълум.

Бундан икки йилча аввал «Оила ва жамият» газетасида «Ҳуқуқий дарсхона» рукни остида йил давомида материаллар уюштиришимга тўғри келди. Унда оилавий турмушда юз берадиган турли муаммолар воқеабанд тарзда баён этилиб, бу муаммолар ечими «Оила Кодекси»нинг маълум моддаларида мавжуд экани бирмабир изоҳлаб берилди. Маълумки, «Оила Кодекси» бадиий асар эмас, уни атай харид қилиб, бошдан-оёқ иштиёқ билан ўқиб чиқадиган кишини учратиш қийин. «Оила ва жамият» ўқувчилари эса турмушдаги муаммоларга дуч келганда қонунларимиздан қай тарзда фойдаланиш кераклигини «Ҳуқуқий дарсхона» орқали билиб боришди. Эсимда, газетанинг айрим сонларидан худди шу рукн тушириб қолдирилгандан сўнг таҳририятга газетхонлардан «Нега ҳуқуқий сабоқларни бермаяпсизлар?» деган мактублар ҳам келганди. Демак, матбуот материаллари орқали қонунларимиз мазмун-моҳиятини халққа англатишда турли усуллар, ранг-баранг жанрлар ва янги рукнларга мурожаат этсак, тўғрироқ бўларкан.

Иккинчи мақола

Одамларнинг шахсий ҳаётида кечган турли икир-чикирларни газетага олиб чиқишнинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Негаки, турмушда хато қилган ёки адашган кишининг изтироблари кимларнидир ҳушёр торттиради, яна кимларгадир сабоқ бўлади. Гап шундаки, бундай воқеаларга «Акс-садо» тарзида билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ёки маслаҳатлар ўта жўн ва таҳрирсиз йўсинда эълон қилинмоқда. Агар «Акс-садо» материаллари муаллифлари орасида бирорта мутахассис (ёки руҳиётшунос) ҳам бўлганида эди, ҳаётимизни тўғри йўлга солиб олишимизда қонунларимизнинг аҳамияти катта экани аён бўлар эди. Шу ўринда бир-иккита мисол келтириб ўтмоқчиман. «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» кўрсатуви (2001 йил, 28 январь ойи)да бир аёлнинг оиладагилар (эри, қайнонаси) томонидан хўрланиши оқибатида ўз жонига қасд қилиши намойиш этилади. Кўрсатув сўнггида бошловчи отахонимиз диний манбаларга асосланган ҳолда айнан шу воқеага ўз муносабатини билдирадилар. Бу ўринли, албатта. Бироқ хўрлик натижасида бир инсоннинг ҳаёти хотима топди-ку! Қонунларимизда аёл ҳуқуқлари тўла-тўкис ҳимояланади. Шундай экан, воқеага қонунларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашилиб, шу хусусда ҳам фикрлар билдирилганида, балки кўрсатувнинг мазмун доираси янада кенгайган бўлармиди... «Адолат» газетаси сонларидан бирида босилган никоҳ шартномаси хусусидаги мақола муаллифи гўёки «Бизга никоҳ шартномаси зарур эмас» демоқчи бўлади. «Оила Кодекси»мизда эса никоҳ шартномаси тузиш ва уни амалга киритиш хусусида алоҳида моддалар бор. «Ҳамроҳ» бир газетасидаги мақола муаллифи «Турмуш аччиқ-чучукларига чидаб, сабр қилган аёл ўз бахтини топади», дея хулоса чиқаради ва бунга ҳаётдан мисоллар келтириб ўтади. Бироқ ҳар қандай ситамларга дош бериб, жимгина юравериш аёл шахсини бора-бора руҳан мажруҳ қилиб қўймасмикин? Бунинг ўрнига биз аёлнинг оиладаги ўрнини ўзига англатиб, уни ўз ҳуқуқларини билишга ва ўз қадр-қимматини, шаънини ҳимоялашга ўргатишимиз жоиз эмасми?

Умуман, «Биз қонунларга қай даражада бўйсунамиз?» деган саволларга эмас, балки «Қонунларимизни қай даражада биламиз?» деган саволга жавоб ахтаришимиз лозим. Кейинги йиллар ичида чиқарилган юзлаб қонунлар ва қабул қилинган қарорларда, Оила Кодекси ва Конституциямизда фуқаро эркинликларини таъминлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга оид махсус бандлар мавжуд. Бироқ кўпчилигимиз (айниқса, аёллар) Асосий Қонунимизда ўзимиз ҳақда нима дейилганини деярли билмаймиз. Ўз келажагимиз сари дадил бормоқ учун, аввало, ҳуқуқларимизни яхши билиб олишимиз даркор. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳуқуқ бу доимий бурч, мажбурият ва масъулият демакдир.

Юрт озодлиги бизга кўп яхшиликлар келтирди. Президентимизнинг журналистларга бўлган ишончу эътиборидан фахрлансак арзигулик. Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Юртбошимиз сўзлаган маърузадан сўнг бунга яна бир карра амин бўлдик. Журналистнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида қонунлар ишлаб чиқилди. Бу нарсалар бизни руҳлантириш баробарида зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Миллий мафкурамиз, мустақиллигимиз ва қонунларимиз мазмун-моҳиятини кишиларимизга англатиш жоиз экан, аввало, бу борадаги билимларимизни чуқурлаштиришимиз, қонунлар хусусидаги тушунча ва тасаввурларимиз доирасини янада кенгайтиришимиз зарур бўлади.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

Таҳририятга хат келди

*Ногиронлар кунида бир отахоннинг "Анъанага айланган ўқитувчилар, шифокорлар, қурувчилар ва бошқа соҳаларнинг касб байрамлари бўлиб, улар мамлакатимизда кенг нишонланади. Аммо ногиронлар кунининг нишонланиши уларнинг ногиронлигини алоҳида таъкидлаб, гўё юзига солаётгандек туюлаверади менга", деганини радио орқали эшитган эдим. Бу борада ногирон юртдошим ҳақдек бўлса-да, масаланинг асл моҳиятига чуқурроқ назар ташлагач, ногиронлар бу кунни ҳеч иккиланмай, кўтаринки руҳда байрам қилиб, нишонлашга ҳақлидир, деган фикрга келдим.*

# Бу — матонатлилар кунидир



Игна билан ёзилган роман — "Вафодор"нинг муаллифи Вали Ғафуров ким эди? Деярли ярим аср тўшакка михлангани ҳолда ҳайкалтарошлик қилиб дунёга донг таратган инсон, Бадиий академиянинг фахрий аъзоси раҳматли Қосим Мирзараҳимов, талабалик йиллари фалокат сабаб тўшакка боғланиб қолиб, чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида элга танилган шоир Шуҳрат Умаров ким эди?

Буларнинг бари Ватанини, халқини севган ҳазрати инсонлар эди. Юксак матонатли ногиронлар эди. Улар ҳам одамлар орасида бўлгиси, баҳоликудрат Ватан равнақи йўлида меҳнат қилгиси келарди. Шу туфайли улар эл эъзозида бўлдилар.

Шаҳримизнинг Ҳувайдо маҳалласида яшайдиган пиру бадавлат табаррук инсон Нажмиддин ота Ғуломов 50 йилдан ортиқ ёш авлодга устозлик қилиб келган. Минглаб ўқувчиларининг камолини кўришга муяссар бўлган отахон ўз умри кузагида ногирон бўлиб қолишига қарамай, фарзандларининг меҳри оғушида, набираларининг қуршовида, маҳалладошларининг ҳурматини қозониб яшамоқда. Ўзбекистон радиосининг "Оила" эшиттириши орқали одоб-ахлоқ, оилада бола тарбияси ҳақидаги ибратомуз суҳбату ҳикояларини бир неча бор эшитганман.

Чилонзорлик Собит ота Соатов ҳам болаликдан кўзлари ногирон экан. У киши эсини таниганидан буён матбаачи сифатида меҳнат қилиб, ўзларига ўхшаш ногиронларнинг илмли-билимли бўлишида, уларнинг керакли адабиётлар билан таъминланишида ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти.

Тошкент тумани Ўзбекистон жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи журналист, пиру бадавлат отахон Хайриддин Муқимовнинг матбуотда чоп этилган мақола ва очеркларини ўқиганлар кўпчиликни ташкил қилса керак. Радиода бир неча йил фаол хизмат қилган Хайриддин ота ҳам ногоҳоний дардга чалиниб, тўшакка михланиб қолган бўлишига қарамай, матбуотда ҳали-ҳануз қатнашиб, халқимизга хизмат қилишдан толмаётган инсондир.

Республикада хизмат кўрсатган артист Оролмирза Сафаровни танимаган санъатсеварлар кам бўлса керак. У кўзи ожиз бўлса-да, халқимизга сидқидилдан хизмат қилаётир.

Мен тилга олган камтарин, камсуқум, одамларни ногирон дейишга ҳатто тилинг бормайди.

Кези келганда, Зуҳрахон Раҳматиллаева ҳақида ҳам ёзмасам инсофдан бўлмас. Бу аёлнинг иродасига, матонатига, халқига, Ватанига бўлган муҳаббатига, қилаётган ишларига қойил қолмай илож йўқ. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан бир неча бор жарроҳлик операцияларидан сўнг ҳаётга янгитдан қайтган бу жонкуяр инсон бутун билимини, илмини ишга солиб Яккасарой туманида шаҳар ногирон аёллар ва болалар маънавият ва маърифат марказини ташкил қилди. Болаликдан, бирор сабаб билан ногирон бўлиб қолганларга ҳунар ўргатди. Уларнинг жамиятда ўз ўринларини эгаллашларига ёрдам бера бошлади. Тадбиркорлик билан иш юритилиши натижасида кундалик турмушимизга керакли баъзи буюмлар ҳам ишлаб чиқаришга эришди.

Ўзбекистон аталмиш Ватанда халқимиз орасида мана шундай меҳри дарё оташ қалб ногирон инсонлар бор экан, қувонч-ла айтиш керакки, Ногиронлар кунини тантанавор нишонлашимиз, байрам қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро, бу кун матонатлилар кунидир.

**Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,**
**меҳнат фахрийси, I гуруҳ ногирони.**

*Асқад Мухтор тўғрисида бирон янги гап айтиш қийин. Қатор романларию қиссалари, драма ва шеърлари, достонларию таржималари баҳонасида ҳамма гапни адабиётшунослар айтиб қўйишган. Унинг ижодига бағишланган китобларда, ёқланган диссертацияларда адабиётимизга қўшган жуда катта ҳиссаси илмий асослаб берилди.*

*Лекин эллик йил йўлда ҳамроҳ бўлган, бирга ўй ўйлаб, бирга қоғоз қоралаган дўстининг ҳам юрагида айтадиган гаплари бордир, ахир.*

*Асқад ёшлигида ҳам жиддий бола эди. Бора-бора бу жиддийлик ижодига ҳам кўчди. Китобларининг қаҳрамонлари ҳам жуда жиддий одамлар. Улар фикр қиладиган, жамият тақдирида катта рол ўйнайдиган қаҳрамонлардир. Асқад бир романини "Давр — менинг тақдиримда" деб атади. Менимча, бу ном унинг ҳамма китоблари учун умумий сарлавҳа бўлиши мумкин. "Опа-сингиллар", "Туғилиш", "Бўронларда бордек ҳаловат", "Чинор" романларининг қаҳрамонлари тақдирида бутун бир давр нафаси гуркираб туради.*

*Асқаднинг ўзи ҳам шу давр, шу тақдир жараёнининг фарзандидир.*

**Саид АҲМАД,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# Мукаммал инсон суврати

## Устоз Ойбек даъвати билан ёзилган хотиралар туркумидан

Жуда яхши биламан, Асқад умрида бир марта ариза ёзиб ишга кирган. Шу биргина ариза билан жуда кўп ижодий ташкилотларда турли лавозимларда ишлаб келади. Бу гапнинг маъниси шуки, Асқад ҳеч қачон ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзмаган. Уни юқори ташкилотлар буйруғи билан ишдан ишга кўтаришарди. Асқад ҳеч маҳал "Меҳнат дафтарча"сини ушлаб қарамаган. Уни кўрмаган ҳам. Идораларнинг кадрлар бўлимлари бу дафтарчани ўзлари Асқад ишга тайинланган идорага ўтказаверганлар.

У қаерда ишламасин, бирон одам "Асқад Мухтор ишни чала қилиб кетди" ёки "Ишни хом қилди" деган гап айтмаган. У ҳамиша ўзига юклатилган вазифани виждон иши деб билган.

Асқад "Шарқ юлдузи" журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаган кезларида жуда кўп қўлёзма ўқирди. Катта-катта романлар ўртага қўйилганда энг жўяли гапларни Асқад айтарди. У Ёзувчилар уюшмасига котиб бўлган пайтларда ёш ёзувчиларни кўп қўллармди. У бош муҳаррир бўлган "Гулистон" журналининг деярли ҳар бир сонида янги бир ёш шоирнинг туркум шеърлари босиларди. Асқад шеър муаллифини ёнига чақириб, шеъридаги нуқсонларни тузаттирарди. Ёш шоирга сабоқ бўлсин, деб унинг кўзи олдида шеърини таҳрир қиларди.

Асқад кўп китоб ўқиган, кўп мушоҳада қиладиган мулло ёзувчи эди. Адабиётга оид илмий баҳсларда Асқад бир олимдек гап айта оладиган, фикри тиниқ ижодкор эди. Газеталарда эълон қилинаётган мақолаларида унинг нақадар теран фикрли, каттакатта адабий анжуманларда казо-казо адабиётшунослар билан беллаша оладиган олим-ёзувчи эканига гувоҳ бўлганмиз.

Асқад йирик асар ёзиш олдидан танлаган мавзу ичига "разведка" уюштиради. Унинг биринчи йирик насрий асари худди шу тахлит дунёга келган эди. Қирқинчи йилларда у Бекободдаги металлургия заводи тўғрисида бир неча туркум мақолалар, очерклар ёзди. Биринчи пўлат қуювчилар тўғрисида туркум шеърлар эълон қилди. Ана шундан кейин "Пўлат қуювчи" деган достон ёзди. Барибир Асқад айтмоқчи бўлган гапларини шеърга сиғдиролмаётганга ўхшайверди. Насрий асар яратиш керак, деган хулосага келди. Унинг "Дарёлар туташган жойда" деб аталган биринчи йирик асари саноат мавзуига қилган "разведка"си натижаси бўлди.

Эллигинчи йилнинг январь ойи эди. Асқад эрталаб уйимга келди. Икковимиз чўян печка ёнида ўтириб, янги қиссасини ўқидик. Эсимда, ўша қиссанинг қўлёзмаси қалин муқовали "Домовая книга"га жуда ҳафсала билан ёзилган эди. Тахминан уч соатча қўлёзма ўқиган бўлсак, яна икки соатча уни муҳокама қилдик.

Ўша қисса унинг йирик насрий асар томон ташлаган биринчи қадами бўлди.

Кейинчалик ҳам Асқад ҳамма қиссаю романларини шунақа "Домовая книга"га ёзадиган бўлди.

Асқад журналда босиладиган асарларни ҳафсала билан таҳрир қиларди. Қўлёзма эгалари бундан ранжимасди. Тузатилган саҳифаларни кўриб, маъқул, раҳмат, деб миннатдорчилик билдиришарди. Унинг бу ишлари Миртемир акага ёқарди. "Асқад қўлёзмага билиб қалам тегизади", дер эди.

Асқад таржимачилик соҳасида ҳам анча иш қилиб қўйган. Унинг Пушкиндан, Лермонтовдан, Блокдан ҳамда антик адабиётдан қилган талай таржималари адабиётимизни безаб турибди. Чойхонада ёнбошлаб, мудраб, умрини совурганлар бор. Аммо Асқад умрини қизғин ижод тўлғанишлари, оппоқ тонгларни кутиш билан ўтказди.

"Ажаб, — дер эди у, — қуёшнинг дастлабки нури терак учига тушганда офтоб бирдан шаъмга гугурт чақиб юборганга ўхшар экан..."

Романлар, қиссалар, достонлар, қўлтиққа сиғмайдиган шеърий тўпламлар, драмалар, ҳисобсиз адабий-танқидий мақолалар, таржималар мана шу қизғин ижодий тўлғанишлар билан дунёга келди.

Асқад орамиздан кетди. Қайтиб келмас бўлиб кетди. Одамларга малол келмаяпманми, деган бир андиша ичини кемирарди. Кўксидаги дардини ташқарига чиқазмай, бир чиройли жилмайиб кўзини юмди.

Фаришталарнинг қадам товушини ҳеч ким эшитмаган. Уларнинг излари ерга тушмаган. Гапларимга ишонинг, Асқад билан эллик йилдан ортиқ бирга бўлиб, унинг оёқ товуши қулоғимга чалинмаган. У худди пар тўшак устида юрганга ўхшарди.

Баъзан ишга берилиб кетиб, машинка шиқирлатиб ўтириб у келганини сезмай қолардим. Ўтираверив, зериканидан ё столни қимирлатар, ё йўталиб, келганини билдирарди.

— Нима бало, фариштамисан ё шпионмисан? — дердим кулиб.

У гапиролмасди. Гапимга кулибгина қўяқоларди.

Дўрмоннинг энг сўлим пайти бошланган. Асқад хасталигига қарамай, тиниб-тинчимасди. Эрталаб туриб анжир теради. Уларни ликопчага солиб музлатгичга қўяди. Шохида қоқи бўлиб қолган ўрикларни калтак билан қоқади.

У ёзиб-чизиб ўтирадиган жойдан уч-тўрт қадам нарида бир туп "қирқ оғайни" гули бор. У оддий гуллардан эмас. Қип-қизил бўлиб очилганда уйғур мантисидек катта бўлиб кетади. Уруғ боғлаган новдаларини кесиб турса, кетма-кет, дам олмасдан очилаверади. Асқад ундан қаламча кесиб, офтобрўй жойга суқиб қўйган. Ўтган йилги қаламчалар яхши илдиз отиб, бир-иккитаси гул кўрсатди. Баҳор келиши билан бу қаламчаларни боғ қўшниларига икки-учтадан тарқатади.

Асқад ўша кезлари бошқа ишларни қўйиб, берилиб шеърлар ёзаётган эди. Кўпинча у қоғоз сўраб келарди.

У жуда инсофли, диёнатли одам эди. Журналга бош муҳаррир бўлатуриб, таҳририят машинасида юрмасди. Ишга пиёда бориб-келарди. Ишхонасидан иккитагина бўлсин қоғоз олиб кетмасди. Ишдан қайтишда Ўрда гузаридаги магазиндан қоғоз, блокнот, қалин муқовали "обший дафтар" сотиб оларди.

У ёзи билан боғида ижод қиларди. Неваралари ҳам ўзига ўхшаган одобли, қобил болалар эди. Асқад қандоқ иш буюрса, дарров бажаришарди. Сентябрь бошланиб, болалар шаҳарга кетишган. Боғда эр-хотин икковлари қолишган.

Қудаси Франциядан мускат узумининг кўчатини олиб келган, дарвозадан кираверишга экиб берган эди. Асқад кунига неча марталаб узум тепасига боради. Яқин дўстларига атир ҳиди келиб турган узумдан битта ғужум узиб беради.

Ошхона ёнида икки туп Дашнобод анори бор. Октябрнинг охирларига бориб бир марта қиров кўриб, кейин пишади. Баъзилари дони йириклашганидан шабнамда пўстини туртиб, ёрилиб кетади.

Асқад вужуд-вужуди билан шеърга берилиб кетган пайтлар эди. Дўрмоннинг қимиздек ҳавоси, кўм-кўк осмони, қип-қизил чодир ёпинган, куз офтобида лов-лов ёнаётган ўрик туплари, олис юртларга отланган турналарнинг боғ устидан чуғирлаб ўтишлари, далаларга ёнғоқ "экаётган" қарғаларнинг ерга шўнғишлари, майин оқ ипакдек мезон ипларининг унсиз сузиб ўтишлари, яланғоч новдаларга илашиб қолганларининг офтобда чақнашлари Асқаднинг шеърларига шундоққина тўкилиб қоларди.

Асқад ҳаёт ҳодисаларидан фалсафий хулосалар чиқазарди. Унинг болалик чоғларида ёзган "Соатни ёмон кўрганим ҳақида" деган шеъри бор.

"Соат келаётган бахтли дамларни эмас, қайтмас бўлиб ўтаётган умрни ўлчайди", деган эди.

Унинг рақиблари тинч туролмасдилар. Дўстим, дўстим, деб пинжига кириб, обрў олмоқчи бўлган, кейинчалик унинг истеъдоди олдида ночор, соядек кимса эканини сезгач, газетада унга туҳмат тошларини отган «дўсти»га «Арақхўрнинг эрталабки бошоғриғи гаранглигида айтган гапларини гап демаса ҳам бўлади», деб Асқад газета орқали жавоб берган эди.

Асқаднинг хотини Равзахоним ниҳоятда қўли очиқ, пазанда аёл. Асқадни йўқлаб келганларни дастурхон ёзмасдан қуруқ жўнатмайди. Зум ўтмай қуймоқ тайёрлар, устига Мустай Карим Уфадан юборган бошқирд асалини суртиб дастурхонга тортади.

Асқадни боғигача кузатиб қўйишим керак. Уни қуруқдан-қуруқ кузатгим келмайди.

Оиламизда Саидахондан қолган бир удум бор эди. Баҳорда сумалак пиширардик. Беш-олти банка сумалакни қопқоқлаб музлатгичда сақлаб қўярдик. Шулардан бирини очиб, битта пиёлада Асқадга бервормоқчи бўлдим.

Равзахон кеч кузда сумалакни кўриб ҳайрон қолди. Асқад тутила-тутила менинг кечаси билан сумалак пиширганимни айтиб лақиллатмоқчи эди. Содда хотин бу ёлғонга чиппа-чин ишонди. Бу ҳимматдан ийиб кетган Равза бирпасда қуймоқ пишириб, устига ноёб липа асалини суртиб олиб чиқди.

Равза мени ўзига жуда яқин оларди. Тожикистонда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати кунларида тожик дўстларимиз собиқ Ҳисор бегининг ҳовлисида ноёб совғалар дўкони очган. Француз упа-эликларини, атирларни аёллар талашиб-тортишиб харид қилишарди. Равзага олиб борасан, деб "Чёрная магия" атиридан биттасини Асқадга олиб бердим.



Бу ишим Асқадга ёқмади. Кейин "Майли, суюнсин", деб чўнтагига солиб қўйди.

Ажойиб ҳажвчи, тенгсиз латифагўй қадрдонимиз Адҳам Ҳамдам вафот қилди. Ёзувчилар уюшмаси Асқад билан икковимизни вакил қилиб юборди. Жанозадан кейин райком котиби Муҳиддинов, ҳозир пахта терими авжига чиққан палла, бирров далага чиқиб теримчиларга ҳорма-бор бўл қилиб келайлик, деб қолди. Негадир райком котибидан гуп-гуп атир ҳиди келарди. У яхши теримчи қизларга атиргулнинг бағридан олинган "Розовое масло" деб аталадиган ниҳоятда ҳиди ўткир атирларни совға қиларкан.

Муҳиддинов Асқад билан икковимизга, келин аямизларга олиб боринглар, деб шу атирдан икки донадан берди.

Француз атирини олиб келганимизда ҳам, гул бағрида олинган атирни берганимизда ҳам Равзахон ҳаддан ташқари севинган эди.

Асқад ҳазил қилади:

— Биласанми, буни "Розанинг ёғи" дейишади. Яъни, сенинг ёғингдан ясалган атир.

— Сиз икки дунёда ҳам менга совға олиб келмайсиз. Бу Саидушканинг иши.

— Саидушка дема, қулоғимга Сальтиков-Щедриннинг Иудушкасига ўхшаб эшитилаяпти.

Орадан сал фурсат ўтиб Асқаднинг гапириши янада қийинлашиб қолди.

Шу алфозда ҳам Асқад битта-битта босиб боғимга келади. Бир-биримизга мўлтираб қараб ўтирамиз.

Ўша кезлари тили тутиладиганлар билан гаплашавериб "мутахассис" бўлиб қолган эдим.

Шуҳратнинг аҳволи бундан ҳам баттар. У на гапира оларди, на бирон сатр ёза оларди.

Рақибларининг бетўхтов ҳужумларидан худди шу аҳволга тушган Ойбек домла билан умрининг сўнгги кунларида кўп "гаплашганман". Раҳматлининг тилига бемалол тушунадиган бўлиб қолган эдим.

Ҳар куни Асқадни бир пиёла сумалак билан кузатиб бораман. Бунга жавобан Равза бошқирд боли суртилган қуймоқ билан меҳмон қилади.

Баъзан кечалари боғ ҳовлисидаги ўнгдан ўқисанг ҳам, чапдан ўқисанг ҳам "642246" рақами чиқадиган телефонга қўнғироқ қиламан. Равзадан Асқаднинг аҳволини сўрайман.

— Ухламаяпти, — дейди у. — Бир нималарни ёзаяпти. Умр оз қолди, худо омонатини олгунча ёзиб улгуришим керак, дейди.

Дўрмонга совуқ тушди. Ўриклар яланғочланиб, пойига оловли кўрпа тўшади.

Асқад ҳамон тиним билмасди. Судралиб юриб азим туп анжирни ётқизиб, устига брезентми, эски шолчаларними ёпади. Анорларни ҳам узиб, танасини эски-тускиларга ўрайди. Мускат узуми устидан хашак бостиради.

Асқадни олиб кетишга редакция машинаси келди. Бу машинадан унинг биринчи маротаба шахсий хизмати учун фойдаланиши бўлса керак. Машинага бир банка сумалак қўйдим. Асқад қўлимни силаб, миннатдор жилмайди.

У шаҳарга кўчиб кетди. Ҳувиллаган боғда бир ўзим қолдим.

Асқаднинг ён қўшниси, адабиётшунос олима, дилбар аёл Саодатхон Тўрабековага телефон қилиб, Асқаднинг аҳволини сўрайман. Асқад билан ҳам, Равза билан ҳам телефонда гаплашиб бўлмайди. Уларнинг аҳволидан шу барака топкур Саодатхон кеча-ю кундуз хабар олиб туради.

Қиш қаттиқ келди. Боққа ҳеч ким келмайди. Қишлаб қолган икки-уч ёзувчи ҳам хоналарини иситолмай вақтинча шаҳарга кетиб қолишган. Автобусда бўлса ҳам шаҳарга тушиб Асқаднинг аҳволидан хабар олиб келишим керак.

Ойнадек ялтираган Дўрмон йўлларида бир-бири билан тўқнашиб пачоқ бўлиб кетган машиналарни кўраман. Ён ариққа ёнбоши билан тиқилиб қолган автобуслар олдида ишдан кечикаётган йўловчилар туришарди. Фақат ғилдирагига занжир ўралган машиналаргина сирпанмай йўловчиларни метрогача обориб қўяди.

Шу тариқа, йўл азоби — гўр азоби дегандек, икки-уч марта Асқаддан хабар олиб келдим. У илгаригидек тинимсиз ишлар, бирон дақиқа вақтини беҳуда ўтказмасди.

Яна баҳор келди. Ўриклар гулини тўкиб довучча туга бошлаган. Гилос таналари оппоқ гулга бурканган. Боғ қўшниларининг ҳаммаси хазон тўплаб куйдиришяпти. Бошқа пайтларда тутундан қочадиганларга нечукдир аччиқ хазон тутуни хуш ёқаётганга ўхшарди.

Асқаднинг болалари, келинлари ҳам хазон куйдириб, ичкари хоналарни тозалаб кетишди.

— Дадам боққа обориб қўйинглар, деб хархаша қилаяпти. Кунига беш-олти марта доктор келиб хабар олиб туради. Боғ узоқ, докторнинг бориши қийин, келинлар ишда, неваралар ўқишда. Ойим ўзини эплолмай қолган. Сиз ҳам бир айтиб кўринг, озроқ сабр қилсин, — дейди ўғли Темур.

Асқад боғини соғинган, тезроқ кўчиб боразолсам, деб Дўрмон томон талпинарди.

Апрелнинг ўн еттинчи куни эрталаб азонда Саодатхон телефон қилди:

— Асқад ака оғирлашиб қолдилар, етиб келсангиз, яхши бўларди.

Аксига олиб Ижод уйида бирорта машина йўқ. Боғ қўшнилар шаҳардан ҳали келишмаган. Бирон соатлардан кейин боғда ишлатиш учун одам олиб келишади. Гаражда машинам бор, бироқ уни юргизадиган одам йўқ. Ўзим кўпдан машина минмаганман. Йўл қоидалари ҳам ўзгариб кетган. Кўзим йўлни унча илғамайди. Ўнг қулоғим эшитмайди.

Таваккал қилиб машинани гараждан олиб чиқдиму йўлга тушдим.

Етиб келганимда Асқад тўнғичи Темурнинг бағрида, кўксига бош қўйганича кўз юмган, бир умрга бу ёруғ оламни тарк қилган эди...

Қадрдоним билан хайрлашолмай, рози-ризолик қилолмай доғда қолдим.

* * *

Тундаликлар "Уйқу қочганда" номи билан алоҳида китоб бўлиб босилиб чиқди.

Адабиётшунос олим Наим Каримов Асқад ҳақида, унинг тундаликлари ҳақида айтган ҳалол гаплари қаторида бирданига "қовун туширган" жойлари ҳам анчагина. У шундай деб ёзади: "Бугун кимдир ўша пайтларда Асқад Мухтор ҳолидан мунтазам равишда хабар олиб турганини айтиши мумкин. (Ким у?) Йўқ, унинг уйи ҳеч қачон гавжум бўлган эмас. (?) Оқибатли дўстлари кам бўлганидек оқибатли шогирдлар ҳам қарийб бўлмаган. (?) Ҳатто дўрмондоши Саид Аҳмад ака ҳам "Хаста Асқадни кўрсам, эзилиб кетаман" деб унинг эшигини кам чертган".

Наим Каримов бу гапларни қайдан олди экан? Равза бу гапни айтмайди. Асқад икки дунёда ҳам бунақа хоинона, боз устига, бўштоб, мўрт сўзларни оғзига олмаган.

Бунақа масъулиятсизлик билан ёзилган мақолалар ўқувчини шубҳага солиб қўяди. Усмон Носир тўғрисида ўйламай, суриштирмай айтган гаплари шоир мухлисларини ҳаддан ташқари ранжитган эди.

Зарифа Саидносированинг "Ойбегим менинг" китоби қўлёзмасини Наим Каримовдан бошқа одам ўқимаган. Уни Н.Каримовнинг ўзи таҳрир қилиб, ўзи нашрга тайёрлаган. Ким билади дейсиз, унда қандоқ "қовун туширди"лар қилган экан? Ғафур Ғулом айтганидек, бунақа хайрли ишларни бошлаш олдидан қўлни атирсовунда яхшилаб ювиб, поклаб олиш керак.

* * *

Боғ файзсиз бўлиб қолгандек... Хазонлар орасидан, хиёбонлардан Асқаднинг изларини қидираман. Шу боғ, шу хиёбонда қоғозга шитирлаб тўкилган сатрлар товушини эшитаман:

***Бир вақт дўстлар***
***билан ҳасратлашардим...***
***Ёлғиз ўтказаман***
***ғамгин чоғларни.***
***Сукунатни чўчитмасин***
***дардим,***
***Айланиб ўтаман***
***сокин боғларни.***

Алоқа тизими

*"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг филиали ҳисобланган "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" корхонасида мавжуд АТСлар қувватини ошириш, хизматни абонентларга яқинлаштириш мақсадида ички имкониятлар изчил ишга солинаяпти. Натижада хизмат ва хонадон телефонларини ўрнатиш муаммолари камайиб бораяпти. Бугунги кунда деярли 88 фоиз оила ўз телефонига эга эканлиги бунинг тасдиғидир.*

# Пойтахт телефони

## Унинг имкониятлари тобора кенгайиб бормокда.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда корхона жамоаси томонидан телефон тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, чет эллик шериклар — Германиянинг "Алкатель" ва "Сименс" фирмалари билан ҳамкорликда 138000 номерга мўлжалланган янги рақамли электрон АТСлар қурилди, станциялараро йўналишлар ва асосий линияларда оптик толали тизимлар барпо этилди, электрон бошқарув мажмуалари ва юқори тезликда узатиш линиялари ишга туширилди, абонентларга хизмат кўрсатишда биллинг тизими ўзлаштирилди.

Албатта, бу гаплардан "Пойтахтни телефонлаштириш борасидаги ҳамма ишлар жойида экан-да" деган маъно келиб чиқмаслиги лозим. Муаммолар бор. Аммо жамоа улардан биттасини ҳал этиб бўлгач, бошқасига изчиллик ва қатъиятлилик билан киришмоқда. Гап шундаки, "ТШТТ" бошқаруви ва унинг телефон боғламалари мутахассислари шаҳарнинг қайси жойида телефонлаштириш соҳасида аҳвол кўнгилдагидек эмаслигини яхши билишади. Шу боис улар, аввало, ўз вақтида конструктив чоратадбирларни кўрмоқдалар. Иккинчи томондан, бўлажак абонентлар —хонадонида ҳозирча телефонга эга бўлмаган аҳолининг ўзи бу ҳақда эслатиб қўймоқда. Яъни, улар алоқачиларнинг олдига келиб, аризалар топширишмоқда, баъзи ҳолларда қаердадир телекоммуникация инфратузилмаси ҳали етарли даражада ривожланмаганлигини маълум қилишмоқда. Бироқ бир нарса аниқ: бугун телефон ўрнатиш (қуриш) ишлари атиги 150 кун ичида бажарилади. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида ариза бериб, шартнома тузган, бажариладиган иш нархини тўлаган абонентларга 1600 та телефон ўрнатилди. Шу билан бирга, катта хонадонлар, тадбиркор, кичик ва ўрта бизнес тузилмаларининг қўшимча алоҳида номерли телефон ўрнатиб бериш хусусидаги 16 мингта аризаси қондирилди.

— Эътиборлиси, тармоқни ривожлантириш, ускуналар ва материалларнинг энг янги турларини жорий этиш соҳасидаги конструктив ишлар шаҳарнинг барча туманларида олиб борилмоқда, — дейди "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" корхонасининг директори, техника фанлари номзоди С.Аъзамов. — Яқинда эса пойтахтнинг жанубий ҳудуди — Бектемир туманига хизмат қилувчи "Янгиобод" боғламасида янги иншоотларни ишга тушириш бўйича тадбирлар мажмуасини ниҳоясига етказдик. Ҳаракатдаги 191-АТС мана шу ишларнинг маркази бўлди. Шу мақсадда Хитойнинг "HUAWEI" фирмаси "Honet" русумидаги 1024 номерга мўлжалланган рақамли АТСни ундан "ажратиб" олиб, таъмирлади. Ушбу 91-АТСда, шунингдек, яна битта жамловчи АТС қурилиши ҳам тугалланди. Бу 194-АТС бўлиб, у ҳам "Honet" русумидаги ускуналар ёрдамида умумий сиғимни 1024 номерга етказди. Яна битта ажратма АТС эса "Қўйлиқ" марказидаги ҳалқа йўл бўйлаб қурилган кичик даҳани телефон алоқаси билан таъминлади. Бошқача айтганда, жорий йилнинг ўтган ойлари ичида бу ерда 500 тага яқин янги телефон ўрнатилди. Ҳозирги кунда шаҳар чеккасида яшовчи ана шу абонентларимизнинг қувончи чексиз бўлаётганига ишончимиз комил.

Чилонзор туманида ҳам конструктив ишлар рўёбга чиқарилди. Бу ерда илгари ишга туширилган, 10000 номерга мўлжалланган АТС тармоғининг қуввати оширилди. Жумладан, ажратма станция — жамловчи АТС негизида "118" индексли янги базавий станция яратилди. Бу ўз навбатида оптик толали кабеллар бўйича линияли станциялараро иншоотлар телефон тармоғини турли линияларга ажратиш имконини берди.

Бундан ташқари, кўп йиллар мобайнида 76-АТС ҳудудида мингта абонентга хизмат қилиб келган "769" индекси ажратма кичик станция тугатилди. Унинг ўрнига 1440 номерга мўлжалланган янги рақамли ускуна ўрнатилди. Пировардида қарийб 500 та янги абонент учун телефон ўрнатиш юзасидан буюртмалар адо этилди.

Электрон рақамли ускуналар қўлланиладиган ажратма жамловчилар 2160 та номерга мўлжалланган 29-АТС ҳудудида ҳам ўрнатилди. Айни пайтда мазкур ҳудудларда корхона мутахассислари яна



мингта абонентга хизмат кўрсатувчи линияли кабель тармоқларини ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқдалар.

— Саидакбар Аъзамович, ҳамма жойда ускуналарнинг фақат электрон, рақамли тизимлари ўрнатилиб, баъзи йўналишларда оптик толали кабеллар ётқизилаётган экан, ушбу янги технологиялар амалиётга жорий этилгач, ундан абонентлар қандай наф кўрадилар?

— Биз истиқболга мўлжалланган техник сиёсат дастури асосида асосий эътиборни янги қувватларни ишга тушириш ва абонентлик тармоқларини ривожлантиришда ҳам, телекоммуникацияларни модернизациялаш, энг яхши технологияларни жорий этишда ҳам иложи борича кўпроқ абонентларни электрон, рақамли сервис хизмати кўрсатишга ўтказишга қаратаяпмиз. Аниқроғи, деярли барча АТСларда энг янги электрон хизматлардан фойдаланиш, қўшимча хизмат турлари, шу жумладан, маълумотларни узатиш, интеллектуал хизматлар кўрсатиш ва интернет тармоғига уланиш учун техник шароитни яратишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Мисол учун, жорий йилда 21/24-АТСда "Алкатель" ускуналарининг деярли 3000 номерга мўлжалланган қуввати ишга туширилди. Самарами? Бу хизмат кўрсатишнинг энг янги усулларини ўзлаштириш учун 1832 номердан фойдаланган ҳолда "EWSD" тизимини жорий этиш имконини яратди. Қолган янги сиғим эса "121" индексли абонент тармоғини ривожлантириш, телефонлар ўрнатишга йўналтирилди. Қолаверса, юкнинг бир қисми 65-АТС зиммасига юкланди. Бу ердаги янги даҳаларда ҳозир телефонлар ўрнатишга киришилди.

"Алкатель" фирмасининг 976 номерга мўлжалланган худди шундай ускунаси 25-АТСда ҳам ўрнатилди. Мазкур станцияда нумерлаш "123" индекси асосида бажарилади. 48-АТСда 2176 та номер уланадиган ажратма АТС қурилди. Бу ернинг янги индекси "148"дир.

ТошМИ мавзеида ҳам янги ажратма АТС қурилмоқда. 1143000 дан 1145999 гача нумерланадиган ҳамда 2928 номерга мўлжалланган бу станция мазкур гўшада телефонлаштиришни яхшилаш ва мавжуд муаммоларни тугатишга хизмат қилади.

53-АТСда эса "HUAWEI" фирмаси томонидан етказиб берилган, 1008 номерга мўлжалланган станция монтаж қилинмоқда. Нумерланиши 1152000 дан 1152999 гача ва 1151200 дан 1151299 гача бўлган телефонлар яқин кунларда хонадонлар ва хизмат биноларига уланади.

Шуни таъкидлаш керакки, бу ишларнинг барчаси ички заҳиралар, ўзимизни ўзимиз маблағ билан таъминлаш, материалларни излаб топиш ҳисобига, маҳаллий пудратчи — "Сега" билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда шаҳримизда ишлаб турган 74 та АТСдан 24 таси рақамли тизимга тўлиқ ўтказилди. 10 та АТСнинг ҳаракат ҳудудида эса рақамли ускуналарнинг қўшимча қувватлари ишга туширилди. Бу ҳозирнинг ўзидаёқ телефон станцияларининг 30 фоизида абонентларга рақамли технологиялар асосида интеллектуал хизматларни тақдим этиш имкониятини яратди.

— Ана шу янги хизматлардан фойдаланишга қизиққан абонентлар нима қилишлари керак?

— Бунинг учун абонентнинг ўзи ташаббус кўрсатиб, худди шундай станцияга улаш илтимоси билан ариза берса ва тонал йиғмали телефон аппарати сотиб олса, бас. Энг янги замонавий хизматлар комплектини кутиб ўтиришга ҳожат йўқ. Янгитдан ишга тушириладиган электрон АТСларнинг умумий сиғими 2002 йил охирига бориб 10000 номердан ошади.

Албатта, рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар станциялараро уланувчи линияларни ҳам тубдан таъмирлаш ва кенгайтиришни тақозо этади. Биз буни унутганимиз йўқ. Янги оптик толали кабеллар ётқизилмоқда, тегишли ускуналар монтаж қилинаяпти, "Кичик транспорт ҳалқаси" деб аталган биринчи босқични яратиш ўлчамлари ишлаб чиқилмоқда. Бу "ҳалқа" янги ишга туширилаётган барча станцияларни бир жойда бирлаштиради, шаҳарнинг бутун тармоғига ва телекоммуникацияларнинг ташқи тизимларига чиқишни таъминлайди.

Айни чоғда жамоа аҳли корхонани хусусийлаштириш ва "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси таркибида ўз акциялари пакетини хорижий сармоядорларга сотишга тайёргарлик кўрмоқда. Булар ҳам келгусида пойтахт телефон тармоғини янада жадал ривожлантириш, кўплаб абонентларни ахборот тармоқларининг замонавий хизматларидан баҳраманд этишга хизмат қилади.

**Анатолий КУДИНОВ.**

